

**ПЕДАГОГНИНГ ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИНИ
ЛОЙИХАЛАШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ**

*Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич,
Самарқанд вилояти ПЯМҮММ доценти, п.ф.д.,
Худойбердиева Жанона Рустамовна,
ЎзПФИТИ мустақил изланувчиси*

Педагог ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизимиning самарадорлиги уларнинг қай даражада касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини қаноатлантирилиши ва индивидуал хусусиятларининг эътиборга олинишига узвий боғлиқ. Шу мақсадда тизимга педагогларни узлуксиз касбий ривожлантиришнинг манзиллилиги ва узлуксизлигини таъминлашга қаратилган технологияларни жорий қилишга нисбатан жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Мазкур мақолада малака ошириш таълимини индивидуаллаштириш, унинг моҳияти, даражалари, педагогнинг индивидуал таълим траекторияси тузилмаси ва лойиҳалаш босқичлари ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: индивидуаллостириш, индивидуал таълим дастури, индивидуал таълим маршрути, индивидуал таълим траекторияси, Гант диаграммаси

The effectiveness of the pedagogical professional development system depends on the extent to which their professional difficulties and needs are met and that they are accounted for their individual characteristics. For this purpose, serious efforts are being made to introduce technologies aimed at ensuring the addressability and continuity of professional development of teachers.

This article describes the individualization of the retraining, its essence, the levels, the structure of pedagogue's individual education trajectory, and the design stages.

Key words and phrases: Individualization, Individual Education Program, Individual Education Route, Individual education Trajectory, Gant Diagram

Эффективность повышения квалификации педагогических кадров обусловлена степенью учета их индивидуальных особенностей и удовлетворения профессиональных затруднений и потребностей. С этой целью в системе реализуются определенные меры внедрения технологий, обеспечивающие адресности и непрерывности повышения квалификации педагогов.

В данной статье освещены сущность индивидуализации процесса

повышения квалификации, а также, её степени, структура и этапы проектирования индивидуальной образовательной траектории педагога.

Ключевые слова: индивидуализация, индивидуальная образовательная программа, индивидуальный образовательный маршрут, индивидуальная образовательная траектория, диаграмм Ганта.

Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар давлат, жамият ва педагогларнинг малака ошириш таълими сифатига бўлган эҳтиёжларини тўлалигича қаноатлантириш муаммосининг долзарблигини белгиламоқда. Мазкур ҳолатда муаммонинг самарали ечимига педагогларни узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини педагогларга ўз ички потенциали ва имкониятларини рўёбга чиқариш, касбий дефицитларини англаш ва уни коррекциялашга шароит яратувчи индивидуаллаштириш орқали эришиш мумкин.

Педагогик энциклопедияда кўрсатилишича, индивидуаллаштириш деганда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари хисобга олинадиган, уларнинг ўқув-билув фаолиятини бошқариш тизими тушунилади. Индивидуаллаштирилган ўқитиш эса ўқув жараёнини ташкил этишда индивидуал ёндашиш асосида танланган ўқитиш йўллари ва турли ўқув-услубий, психологик-педагогик ҳамда ташкилий бошқарув тадбирлари орқали таъминланишидир [7, 83-84-б.]. Шунинdek, жараёнда ўқитиш усули ва суръати таълим олувчиларнинг индивидуал фарқлари, ўқишга бўлган қобилиятларининг ривожланиш даражасига кўра танланиши инобатга олинади [8,201-б.].

Е.В.Бондаревский, С.Г.Вершловский, В.И.Загвязинский, Д.М.Зембицкий, В.А.Кан-калик, А.В.Петровский, М.М.Поташникларнинг тадқиқотларида педагогик профессионализм шаклланиши ва ривожланишнинг оммавий услубларидан индивидуал услубларига ўтиш зарурияти ва аниқ истиқболлари кўрсатилган. Таҳлиллар ва тадқиқотлар мазкур муаммоларни ечишда таянч нуқта бўлиб педагогнинг ўз позицияси, янгича педагогик тафаккурга эга бўлишга хоҳиши ва қобилияти, алоҳида педагогик дастурлар ва технологияларни танлаш ва ишлаб чиқиш кўнимаси белгиланишини кўрсатади [2, 78-б.].

И.М.Оスマловская фикрича индивидуаллаштириш таълимни табақалаштиришнинг муҳим шакли бўлиб, унда ўқув жараёни нафақат гурухнинг, балки ҳар бир алоҳида олинган таълим олувчининг хусусиятларини хисобга олган ҳолда қурилади. И.Э.Унт индивидуаллаштиришни ўқитишнинг қандай шакл ва методларидан фойдаланишидан қатъий назар таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш сифатида тушунади [5, 184-б.].

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, малака ошириши таълимни

индивидуаллаштириши деганда педагогларнинг потенциал имкониятларини ривожлантиришни, индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари ва мотивларини инобатга оладиган, шахсий ва касбий сифатларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳамда ўз олдига қўйган таълимий мақсад ва вазифалари асосида индивидуал таълим таректориясини қуришга шароит яратиладиган табақалаштирилган таълим жараёнини тушунамиз.

Кейинги даврлардаги илмий адабиётларда ўқитувчилар касбий ривожланиши ва узлуксиз малака ошириши тизимини индивидуаллаштириш жараёнларини тадқиқ қилишда “индивидуал таълим дастури, индивидуал таълим маршрути, индивидуал таълим траекторияси” каби атамалар тез-тез қўлланилмоқда.

Мавзуга доир илмий изланишлар таҳлили [1, 3, 4, 6, 9, 11, 10, 12] натижасида тадқиқотчилар томонидан ушбу тушунчаларни изоҳлашда яқдиллик етишмаслиги ва айрим ҳолатларда улар синоним сифатида, айрим ҳолатларда эса бир-биридан баъзи хусусиятлари билан фарқ қилиши кўрсатилганлиги аниқланди. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимиз давомида мазкур тушунчалар моҳияти ва уларга ёндашувларга оид илмий-методик адабиётларнинг мазмуний таҳлили қўйидаги хуносаларга келишимизга имкон яратди (1-расм):

Индивидуал таълим дастури – педагогнинг касбий эҳтиёжлари, қийинчиликлари ташхиси натижалари, қизиқишлари ва мотивлари асосида мустақил тузиладиган, шахсий ва касбий ривожланишига йўналтирилган, узлуксиз таълимининг тури ва шаклларини мақбуллаштириш имкониятини берувчи ҳамда мустақил таълимини назарда тутувчи дастурни ифода этади.

Индивидуал таълим маршрути – педагогнинг индивидуал таълим дастурини вақт мезонлари ва босқичларига боғлиқ ҳолда ўзлаштириш изчилигини маслаҳатчининг ҳамроҳлигига амалга оширишини ҳамда таълим жараёни мавжуд шароитларига мослашувчанлигини белгилайди.

Индивидуал таълим траекторияси – педагогнинг таълим жараёнида шахсий потенциалини амалга ошириши, касбий такомиллашуви, ўз мавқеини белгилаши ва ўзини намоён қилишига доир белгилаган, англанган ва тажрибаларига асосланган ўзига хос алоҳида ҳаракат йўли.

Индивидуал таълим дастури

Индивидуал таълим маршрути

Индивидуал таълим траекторияси

1.-расм. Индивидуал таълим дастури, индивидуал таълим маршрути ва индивидуал таълим траекторияси тушунчаларининг ўзаро муносабат

схемаси.

Демак, педагогнинг касбий ривожланишида ўз таълим фаолиятини лойиҳалашнинг бир-бирини тақозо қилувчи учта даражаси ажратилди. Индивидуал таълим траекторияси индивидуал таълим дастури ва маршрутининг мавжудлигини (мазмунни белгилаш, режалаштириш, таҳлил) ҳамда уни амалга оширишнинг пухта ишланган усулларини (таълим жараёнини ташкил қилиш технологияси) назарда тутади.

Педагогнинг индивидуал таълим траекторияси малака ошириш муҳитининг чегаралари ва имкониятларини кенгайтиради ҳамда уларда малака ошириш мотивларининг мустаҳкамланиши, касбий компетентлигини узлуксиз оширишнинг қулай ва самарали воситаларини танлаш ва амалга оширишга шароит яратади. Шунингдек, педагогларнинг индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари, шахсий мотивлари, тажрибаси, малака даражаси ва ижтимоий имкониятларини инобатга олишга хизмат қиласи.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузиш ундан касбий дефицитлари даражасини англаш ва баҳолай олиш, лойиҳалаш ва ривожланиш нуқталарини олдиндан кўра олиш каби кўнкималарга эга бўлишини талаб қиласи. Тадқиқот давомида малака ошириш курслари тингловчилари билан ўтказилган сўровномалар натижалари педагоглар индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга оширишга ижобий қарашлари ва унга эҳтиёжлари борлигини кўрсатди. “Сиз индивидуал таълим траекториясини тузиш орқали малака оширишни самарали деб ҳисоблайсизми?” деган саволга қатнашчиларнинг аксарияти ижобий жавоб берган бўлсаларда, уларнинг 69%идан ортиғи мустақил равишда индивидуал таълим траекторияларини тузса олмасликларини белгилаганлар. Бу эса педагогларнинг малака ошириш шакли, усувлари ва воситалари ҳақида етарлича маълумотга эга эмасликлари ҳамда индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш жараёнига илмий-методик ҳамроҳликни уюштириш лозимлигини тасдиқлади. Шу билан биргаликда бу жараёнда малака ошириш таълим муассасаси ўқитувчилари, методистлар, тегишли малакага эга мутахассислар ва педагогнинг яқин ўзаро таъсири аҳамиятга эга.

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини тузилмавий жиҳатдан мазмунга доир, коррекцион-таҳлилий ва ташкилий компонентларга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Индивидуал таълим траекторияси тузилмаси.

Индивидуал таълим траекториясининг мазмунга доир компоненти малака ошириш таълими мазмунини белгилайди. Таянч қисми Давлат талабларида белгиланган ва таълим-тарбия сифати ҳамда ўқитувчи компетенлигини кўтаришга қаратилган модулларни ўзлаштиришни, вариатив қисми эса педагогнинг касбий эҳтиёжлари ташхиси натижалари ва шахсий қизиқишларига кўра танлови асосида белгиланадиган модулларни ўзлаштиришни назарда тутади. Бу модуллар педагогнинг индивидуал таълим дастурида ўз ифодасини топади.

Коррекцион-тахлий компонент педагогнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари ташхиси, фаолият давомида доимий таҳлил, ўзини-ўзи таҳлил ҳамда натижаларга кўра индивидуал таълим траекториясига ўзгартиришлар киритишини белгилайди, шунингдек ташкилий компонентни мослаштиришга йўналтирилади. Шу ўринда педагогга индивидуал таълим дастурини тузиш ва маршрутини белгилашда илмий-методик ҳамроҳлик амалга оширилади. Чунки, индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш ва амалга ошириш жараёнида малака ошириш таълими муассасаси ўқитувчиси ва методистларнинг функционал вазифалари ўзгариб, ўзаро таъсир функцияси маслаҳатчи, таҳлилчи, ташкилотчи, мувофиқлаштирувчига ўтади.

Ташкилий компонент белгиланган ўкув мазмунини ўзлаштиришнинг методик ва технологик усуллари йиғиндинисини, педагогнинг таълим фаолияти шакли, методлари, воситалари ва қўллаб-қувватловчи инструментлари каби методик тизимни ифодалайди.

Индивидуал таълим траекториясини лойиҳалашда педагог ва маслаҳатчи ҳамкорликда ишлашлари ва қўйидагиларни инобатга олишлари лозим бўлади:

- умумий касбий тайёргарлиги, иш тажрибаси, касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари;
- касбий ва ижтимоий фаолияти ҳолати;
- психологик хусусиятлари (темпераменти, характери, эмоционаллиги ва б.), коммуникатив хусусиятлари;
- касбий, ижтимоий ва билиш мотивларининг шаклланганлиги ва турғунлиги;
- оптимал қарорлар қабул қила олиши ҳамда ўзи учун энг қулай ва самарали шакл ва усулларни танлай олиши
- рефлексияси, фаолияти мазмуни ва дефицитларини англаши ва б.

Индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш алгоритми қўйидаги расмда келтирилган (3-расм):



3-расм. Индивидуал таълим траекториясини тузиш ва амалга ошириш алгоритми.

Ташхис. Биринчи босқичда педагогнинг бошланғич ҳолати, яъни айни вақтдаги касбий маҳорати даражаси, касбий қийинчиликлари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари, субъектив позицияси, интеллектуал-ижодий фаолиятининг индивидуал услуби ва ўзига хос хусусиятлари аниқланади. Бунинг учун комплек касбий ташхис ўтказилади. Ташхис анкета, тест, сұхбат методларидан фойдаланиб маслаҳатчи билан ҳамкорликда ўтказилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогнинг ўзини-ўзи ташхислаш, ўзини-ўзи таҳлил қилиш, ўзини-ўзи баҳолай олиш тажрибаси ҳамда шахсий потенциали, касбий дефицитлари ва имкониятлари чегарасини англаши ва турғун мотивга эга бўлиши жуда ҳам муҳим. Чунки, педагог ўзини касбий англаши орқалигина фаолиятидан мақсад ва вазифаларига эришиш векторини қўра олиши мумкин.

Мақсадни аниқлаштириш. Мазкур босқичда ўтказилган ташхис

натижаларига кўра малака ошириш мақсади (малака ошириш мақсадини индивидуал танлови) ва кутиладиган натижалар белгиланади. Мақсадни белгилашда нафақат педагогнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжлари, балки ташқи талаблар (давлат ва жамият буюртмаси, таълим муассасаси эҳтиёжлари, ота-оналар, ўқувчилар таклифлари) мутаносиблиги ҳам инобатга олинади.

Мазмунни шакллантириш. Педагог индивидуал таълим траекториясини мазмунини лойиҳалашда мавжуд ресурслар мослаштирилади. Аввал малака ошириш ўқув режаларининг инвариант қисми, яъни ўзлаштирилиши мажбурий бўлган (таянч) модуллар билан таништирилади, кейин эса маслаҳатчи билан биргаликда дастурнинг вариатив қисми шакллантирилади. Бу қисм малака ошириш ўқув режаларининг вариатив модуллари, турли методик тадбирларда иштироки, лойиҳалар тайёрлаш (ёки илғор тажрибасини) ва татбиқ қилиш, мустақил таълим ва бошқа педагогик фаолиятига доир ишлардан иборат бўлиши мумкин. Лойиҳаланган мазмун қўйилган мақсадга эришиш учун эгалланадиган билим, кўнукма ва компетенцияларни тўлиқ қамраб олиши зарур.

Дастурнинг методистлар ва педагогининг мутахассислигига мос бўлган кафедра ўқитувчилари билан биргаликда ишлаб чиқилиши зарурый таомил бўлиб, унда инвариант модуллар сони ва соатлари микдори аниқ қўрсатилади ва ихтиёрий микдордаги вариатив модуллар белгиланади.

Маршрутни белгилаш. Бу босқичда педагогнинг малака ошириш таълим иштирокчилари билан ўзаро таъсир механизми ва ҳаракат йўналишлари белгиланади. Унда педагог маслаҳатчи билан ҳамкорликда малака ошириш шаклларини (анъанавий ёки масофадан малака ошириш курслари, ҳаракатдаги ўқув машғулотлари, устоз-шогирд тизими, стажировка, билвосита малака ошириш, маҳорат мактаби, турли методик тадбирлар ва б.), вакт мезонлари, ҳисобот, таҳлил ва назорат турларини белгилайди. Индивидуал таълим маршрути таълим муассасаси раҳбари тасдиғидан ўтказилиб, тегишли келишувлар воситасида меъёрий жиҳатдан мустаҳкамланган сўнг уни амалга ошириш жараёни бошланади.

Амалга ошириш. Белгиланган индивидуал таълим маршрути маслаҳатчининг илмий-методик ҳамроҳлигига ва тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширилади. Бу босқич жуда мураккаб бўлиб, педагогнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида саботлилиги ва масъулиятни зиммасига ола билишини белгилайди. Педагогнинг маҳорати индивидуал фаолиятини мақсадли ташкил қилиш, самарали амалга ошириш воситаларини қидириш, фаолиятини таҳлил қилиш мезонларини белгилай олиши, таҳrir қилиши ва баҳолай олиши, аниқ муддатлар билан ишлай олишида кўринади. Зарур ҳолларда маслаҳатчи билан биргаликда кўшимча мутахассислар жалб қилинади ёки маслаҳатлашилади.

Жараёнда индивидуал таълим траекторияси унинг мақсади ва мазмуни, амалга ошириш стратегиялари ва тактикаси таҳрири натижасида ўзгариши мумкин. Маршрут давомида педагог малака ошириш шакллари (масалан, анъанавийдан масофавийга ёки тескариси), танланган вариатив модуллар (масалан, қайсиdir модуллардан воз кечиш ва бошқасини танлаш) ва белгиланган вақтни ўзгартириши мумкин.

Таҳлил ва рефлексив баҳолаш. Бу босқич якуний бўлиб, унда жараёндаги фаолиятнинг таълимий маҳсулотлари намоён қилинади, натижалар таҳлил қилинади ва қўйилган мақсадларга солиширилади. Рефлексия индивидуал сұхбат, ўзини-ўзи баҳолаш ва таҳлил қилиш, ўзаро баҳолаш ва назорат, ўзгаришларни таққослаш, рефлексив эссе шаклларида ташкил этилади.

Индивидуал таълим траекториясини режалаштиришда Гант диаграммасидан фойдаланиш бирмунча афзалликларга эга. Гант диаграммаси – устунчалар кўринишидаги диаграмма(гистограмма)ларнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, бирор бир лойиҳа режаси ёки иш графигини яққол тасвирлашда фойдаланиллади. Лойиҳаларни режалаштириш методи сифатида қилинадиган ишлар рўйхати, топшириқлар ва ҳаракатларнинг вақт мезонларини, бажарилиш кетма-кетлигини ифодалайди. Лойиҳаларни бошқаришда босқичлар, вазифалар ва ҳаракатларни акс эттиришнинг стандарт таркибий қисми ва муҳим инструмент бўлиб хизмат қиласи .

Педагогнинг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалашда унга илмий-методик ҳамроҳлик қилиш, маслаҳатчи ва тегишли мутаҳассислар билан фаол ўзаро таъсирни вужудга келтириш, педагогларнинг касбий компетентлигини оширишга қаратилган методик тадбирлар (анъанавий ва масофавий малака ошириш курслари режаси, методик тузилмаларнинг тадбирлари, ҳаракатдаги ўқув машғулотлари, виртуал педагогик уюшмалар, конференция, форум, семинар ва б.) ҳақида аниқ манзилли маълумотлар етказиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, касбий ривожланиш индивидуал таълим траекторияси педагогга касбий компетентлигини такомиллаштиришга фаол интилиш, тезкор рефлексив ростлаш ва илмий-методик ҳамроҳлик асосида касбий ва шахсий индивидуаллигини кўрсатиш ва исботлаш, қадриятли-онгли дунёқарashi ва эътиқодини юксалтириш, илғор тажрибаларини намоён қилиш ва оммалаштириш, алоҳида ўзига хос бўлган касбий маҳоратини ўстиришга шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Вдовина С.А. Кунгурова И.М. Сущность и направления реализации индивидуальной образовательной программы // Интернет журнал «Науковедение». – 2013. – № 6. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://naukovedenie.ruPDF40PVN613.pdf> (дата обращения: 19.09.2016).

2. Возгова З.В. Деятельностный подход к моделированию региональной системы непрерывного повышения квалификации научно-педагогических работников: дисс... док.пед.наук. – Москва, 2015. – 388 с.
3. Гончарова А.С., Чумичева Р.М. Организация индивидуальной образовательной траектории обучения бакалавров // Вестник НГГУ. – 2012. – № 2. – С.3-11.
4. Жуманиёзова М.Т. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари (тарих фани ўқитувчилари мисолида): Пед. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2007. – 176 б.
5. Кутузов А.В. Сущность индивидуализации образования в современной школе // Учёные записки Забайкальского государственного университета. Серия: педагогические науки. – 2012. - № 5. – С. 183-190.
6. Маскаева А.М. Проектирование ИОТ обучающихся // Инициативы 21 века. – 2010. - №3. – С. 23-24.
7. Педагогика: энциклопедия. II жилд / тузувчилар: жамоа. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 376 б.
8. Педагогическая энциклопедия. Т. 2. – М.: Академкнига, 2004. – 456 с.
9. Стерлягова Е.В. Обучение старшеклассников по индивидуальному учебным планам // Педагогика. – 2014. – № 2. – С. 40-44.
10. Хугорской А.В. Дидактическая эвристика. Теория и технология креативного обучения. – М.: Изд-во МГУ, 2003. – 416 с.
11. Шапошникова Н.Ю. Индивидуальная образовательная траектория студента: анализ трактовок понятия // Педагогическое образование России. – 2015. – № 5. – С. 39-44
12. Щедровицкий Г.П. Очерки по философии образования. – М.: Издательская корпорация “Логос”, 1993. – 235 с.